5) $4x + 2y - 12 = 0;$ 6) $-2x + 3y = 100;$ 7) $-x - y + 1 = 0;$ 8) $10x + 12y - 16 = 0;$

26. Куйидаги нуктадан $5x - 7y - 35 = 0$ тўғри чизиққа параллел равишда ўтувчи тўғри чизиқнинг тенгламасини тузинг.

1) $(2; -5);$ 2) $(-4; 8);$ 3) $(1; -2);$ 4) $(2; 0,5);$ 5) $(6; -0,9);$ 6) $(8; -9)$

27. k нинг қандай қийматида $y_1 = -\frac{21}{5}x$ ва $y_2 = kx - \frac{21}{5}$ функцияларнинг

графиклари ўзаро параллел бўлади?

28. $y = 1$ га нисбатан куйидаги тўғри чизиқларга симметрик бўлган тўғри чизиқнинг тенгламасининг топинг.

1) $y = 2x + 1;$ 2) $y = x - 1;$ 3) $y = 3x - 4;$ 4) $y = -x - 6;$ 5) $y = 0,5x + 6;$

29. ОХ ўққа нисбатан куйидаги тўғри чизиққа симметрик бўлган тўғри чизиқнинг тенгламасини кўрсатинг.

1) $y = 2x + 3;$ 2) $y = 4x - 6;$ 3) $y = x + 6;$ 4) $y = -2x - 4;$ 5) $y = x + 5;$

30. ОУ ўққа нисбатан куйидаги тўғри чизиққа симметрик бўлган тўғри

чизикнинг тенгламасини кўрсатинг.

1) $y = x + 3$; 2) $y = 2x - 6$; 3) $y = 5x + 2$; 4) $y = -x + 8$; 5) $y = -3x - 3$;

31. Агар: 1) $f(x) = (2x + 3)\left(\frac{3}{x} - 3\right)$; 2) $f(x) = (2x - \frac{1}{3})(4x + \frac{1}{4})$;

3) $f(x) = (3 + \frac{1}{x})(11 + 4x)$ 4) $f(x) = (x + \frac{1}{x})(11x^2 + 4x^3)$

бўлса, $f(\frac{1}{2})$, $f(-1)$, $f(-\frac{1}{2})$ ва $f(6)$ ни топинг

32. Формула билан ифодаланган функциянинг графигини ясанг.

1) $x = 3$; 2) $x = -4$; 3) $x = 0,5$; 4) $x = -12$; 5) $x = 2,5$; 6) $x = -8$;

7) $y = -2$; 8) $y = -0,5$; 9) $y = 20$; 10) $y = 0,9$; 11) $y = 1$; 12) $y = 0$;

33. Чизикли тенгламалар системасини график усулда ечинг:

1) $\begin{cases} x - y = 1, \\ x + 3y = 9; \end{cases}$ 2) $\begin{cases} x + 2y = 4, \\ -2x + 5y = 10; \end{cases}$ 3) $\begin{cases} x + y = 0, \\ -3x + 4y = 14; \end{cases}$

4) $\begin{cases} 3x - 2y = 6, \\ 3x + 10y = -12; \end{cases}$ 5) $\begin{cases} x - 2y = 6, \\ 3x + 2y = -6; \end{cases}$ 6) $\begin{cases} x - y = 0, \\ 2x + 3y = -5. \end{cases}$

34. Тенгламалар системасини график усулда ечинг:

1) $\begin{cases} y + 3x = 0, \\ x - y = 4, \\ x + y = -2; \end{cases}$ 2) $\begin{cases} x + y = 1, \\ y - x = 3, \\ 2x + y = 0. \end{cases}$

24-§ Чизикли тенглама ва тенгламалар системасига доир масалалар

1. Кинотеатрнинг бир кассасида иккинчисига қараганда 86 та ортиқ билет сотилди. Агар ҳаммаси бўлиб 792 та билет сотилган бўлса, ҳар бир кассада неча билет сотилган?
2. Учбурчакнинг периметри 16 см. Учбурчакнинг икки томони бир-бирига тенг бўлиб, уларнинг ҳар бири учинчи томонидан 2,9 см ортиқ. Учбурчакнинг томонлари неча сантиметрдан?
3. Икки ишчи 86 та деталь тайёрлади. Биринчи ишчи иккинчисига қараганда 8 та кам деталь тайёрлади. Ҳар бир ишчи нечадан деталь тайёрлаган?
4. Заводнинг учта цехида 1274 киши ишлайди. Иккинчи цехда биринчисидан 70 киши ортиқ, учинчи цехда эса иккинчидан 84 киши ортиқ ишлайди. Ҳар қайси цехда қанча киши ишлайди?
5. Свитер, шапка ва шарф тўқиш учун 555 г жун ишлатилди. Бунда шапка учун свитерга қараганда 5 марта кам, шарфга қараганда эса 5 г ортиқ жун кетган. Ҳар бир буюмга қанчадан жун кетган?
6. 158 та китобни учта токчага биринчи токчада иккинчи токчадагидан 8 та китоб кам ва учинчи токчадагидан 5 та китоб ортиқ бўладиган қилиб жойлаш мумкинми?
7. 59 банка консервани учта яшикка учинчи яшикда биринчи яшикдагидан 9 банка ортиқ, иккинчи яшикда учинчи яшикдагидан 4 банка кам бўладиган қилиб жойлаш мумкинми?
8. Боғнинг бир майдонидаги малина кўчатлари иккинчи майдондагидан 5 марта ортиқ. Биринчи майдондан иккинчи майдонга 22 туп кўчат кўчириб

- ўтказилгандан сўнг кўчатлар сони иккала майдонда тенг бўлди. Дастлаб ҳар қайси майдонда қанчадан малина кўчати бўлган?
9. Биринчи бригадада иккинчисидан 2 марта кўп ишчи бор. Хўжалик ҳисобига ўтиш натижасида биринчи бригададаги ишчилар 5 кишига камайди, иккинчи бригададаги ишчилар эса 2 кишига камайди. Агар хўжалик ҳисобига ўтилгандан сўнг биринчи бригададаги ишчилар сони иккинчисидан 7 та ортиқ экани маълум бўлса, ҳар бир бригадада нечтадан ишчи бўлади?
 10. Биринчи бригададаги ишчилар иккинчи бригададан 4 марта кам эди. Иккинчи бригададан 6 киши ишдан бўшаб, 12 киши биринчи бригадага ўтказилгандан сўнг иккала бригададаги ишчилар сони тенг бўлади. Биринчи бригадада қанча ишчи бўлган?
 11. Досқада бирор сон ёзилган. Бир ўқувчи бу сонни 23 та орттирди, иккинчиси 1 та камайтирди. Биринчи ўқувчи олган натижа иккинчисиникидан 7 марта катта бўлди. Досқага қандай сон ёзилган?
 12. Саватда яшиқдагидан икки марта кам узум бор эди. Саватга яна 2 кг узум қўшилгандан сўнг, ундаги узум яшиқдаги узумдан 0,5 кг ортиқ бўлиб қолди. Саватда қанча узум бўлган?
 13. Бир тарвуз иккинчи тарвуздан 2 кг енгил, учинчи тарвуздан 5 марта енгил. Биринчи ва учинчи тарвузлар биргаликда иккинчи тарвуздан 3 марта оғир. Ҳар қайси тарвузнинг массасини топинг.
 14. Колхозда техникадан унумли фойдаланиш 12 та тракторни бўшатишга имкон берди. Агар аввал тракторлар сони қолган тракторлардан 1,5 марта ортиқлиги маълум бўлса, колхозда нечта трактор қолган?
 15. Икки қопнинг ҳар бирида 50 кг дан шакар бор эди. Биринчи қопдан иккинчисидан олинганига қараганда 3 марта кўп шакар олингандан сўнг биринчи қопда иккинчидан қараганда 2 марта кам шакар қолган. Ҳар қайси қопда қанчадан шакар қолган?
 16. Автопаркда юк машиналари енгил машиналардан 1,5 марта кўп эди. Автопарк 12 та юк машинасини колхозга бериб, ўзи яна 45 та енгил машина олгандан кейин унда енгил машиналар юк машиналардан 17 та кўп бўлиб қолди. Автопаркда ҳаммаси бўлиб, қанча автомашина бор эди?
 17. 15 та оқритка, 10 та конверт ва битта блокнот учун 1 сўм 68 тийин тўланди. Конверт блокнотдан 8 марта арзон ва оқриткадан 2 тийин қиммат. Оқритка қанча ва блокнот қанча туради?
 18. Учбурчакнинг периметри 44 см. Унинг томонларидан бири иккинчисидан 4 см қисқа ва учинчисидан 2 марта узун. Учбурчакнинг томонларини топинг.
 19. Сабзавот дўконидан биринчи кун иккинчи кундан 3 т кам сабзавот сотилди, учинчи кун биринчи ва иккинчи кун сотилганининг $\frac{5}{9}$ қисмича сотилди. Агар уч кунда 98 т сабзавот сотилган бўлса, дўконда ҳар куни қанчадан сабзавот сотилган?
 20. Биринчи фермада иккинчи фермадан 3 марта кўп пичан бор. Биринчи фермадан 20 т пичан олиб, иккинчи фермага 20 т қўшилгандан кейин иккинчи фермадаги пичан биринчи фермадан $\frac{5}{7}$ қисмича бўлади. Ҳар бир фермада қанчадан пичан бўлган?

21. Токарь янги кескич ишлатиб, бир соатда нормадагидан 4 та ортиқ деталь йўнди ва шунинг учун кунлик нормани 8 соатда эмас, 6 соатда бажарди. Токарь бир кунда норма бўйича нечта деталь йўниши керак эди?
22. Бригада ҳар куни 50 га ўрнига 60 га ердаги буғдойни ўриб, ишни пландагидан 1 кун олдин бажаради. Буғдойзорнинг юзи қанча?
23. Спортчи қиз ўртача тезлигини 250 м/мин дан 300 м/мин га орттириб, югуриш масофасини бир минут тезроқ ўтди. Юугуриш масофасининг узунлиги қанча?
24. Ишчилар бригадаси план топшириғини маълум муддатда бажариш учун кунига 54 та деталь тайёрлаши керак эди. Бригада кунига 6 та деталь ортиқ тайёрлаб, план топшириғини бир кун олдин бажарибгина қолмай, пландан ташқари яна 18 та деталь тайёрланди. Бригада неча кун ишлаган?
25. Тракторчилар бригадаси план бўйича кунига 112 га ерни шудгор қилиши керак эди. Бригада кунига 8 га ортиқ ерни шудгорлаб, муддатидан бир кун олдин ишни тугатди. Бригада неча гектар ерни шудгорлаши керак эди?
26. Колхоз подасидаги сигирлар 60 бош ортди, ем-хашак базасининг яхшилангани туфайли бир сигирдан соғиб олинадиган бир кунлик сут ўрта ҳисобда 12,8 л дан 15 л гача ортди. Агар колхоз кунига олдингига қараганда 1340 л ортиқ сут олаётган бўлса, колхоз подасидаги сигирлар қанча бўлади?
27. Бригада илғор технологияни қўллаб, ҳар соатда пландагидан 6 та ортиқ буюм ишлаб чиқара бошлади. Натижада у 6 соатда кунлик (саккиз соатлик) нормани 120 % қилиб бажаради. Бригада план бўйича соатига нечта буюм ясаши керак эди?
28. Кооператив эркаклар кўйлаги партиясини 8 кунда тугатмоқчи эди. Аммо кооператив ҳар куни мўлжалдагидан 10 та ортиқ кўйлак тикиб, планни муддатидан 1 кун олдин бажаради. Кооператив бир кунда нечта эркаклар кўйлаги тикиши керак эди?
29. Бригада пудрат асосида ишлаб, ишни белгиланган муддатда тугатиш учун кунига 80 га ердаги буғдойни ўриб олишни мўлжаллади. Аслида эса кунига 10 га ортиқ ердан буғдой ўрди, шунинг учун муддатига 1 кун қолганда ўриладиган 30 га ер қолди. Бригада неча гектар ердаги буғдойни ўриб олишни мўлжаллаган?
30. а) Кетма-кет бешта натурал соннинг йиғиндиси 5 га каррали эканини исботланг. б) Кетма-кет тўртта тоқ соннинг йиғиндиси 8 га каррали эканини исботланг.
31. Кетма-кет келган шундай тўртта натурал сон топинки, улардан олдинги иккитасининг кўпайтмаси кейинги иккитасининг кўпайтмасидан 38 та кам бўлсин.
32. а) Кетма-кет келган тўртта бутун сондан ўртадаги иккитасининг кўпайтмаси четки сонлар кўпайтмасидан 2 та ортиқ эканини исботланг. б) Кетма-кет келган учта тоқ сондан ўртадагисининг квадрати икки четки соннинг кўпайтмасидан 4 та ортиқ эканини исботланг.
33. Квадратнинг томони тўғри тўртбурчакнинг бир томонидан 2 см ортиқ, бошқасидан 5 см кам. Агар квадратнинг юзи тўғри тўртбурчакнинг юзидан 50 см² кам бўлса, квадратнинг юзини топинг.

34. Агар тўғри тўртбурчакнинг бўйи 4 см қисқартирилиб, эни 5 см орттирилса, юзи тўғри тўртбурчакнинг юзидан 40 см^2 катта бўлган квадрат ҳосил бўлади. Тўғри тўртбурчакнинг юзини топинг.
35. Тўғри тўртбурчакнинг периметри 36 см га тенг. Агар унинг бўйи 1 см, эни эса 2 см орттирилса, унинг юзи 30 см^2 ортади. Дастлабки тўғри тўртбурчакнинг юзини топинг.
36. Тўғри тўртбурчакнинг периметри 30 см га тенг. Агар унинг бўйи 3 см камайтирилса, эни эса 5 см орттирилса, тўғри тўртбурчакнинг юзи 8 см^2 камаяди. Дастлабки тўғри тўртбурчакнинг юзини топинг.
37. Икки соннинг йиғиндиси 63 га, уларнинг айирмаси эса 12 га тенг. Шу сонларни топинг.
38. Цех янги асбоб-ускуналар билан жиғозлангандан кейин февраль ойида январдагига қараганда 165 та ортиқ маҳсулот чиқарди. Агар цех бу икки ойда 1315 та маҳсулот чиқарган бўлса, январь ойида нечта ва февраль ойида нечта маҳсулот ишлаб чиқарган?
39. Қурилиш объектида 31 та бригада ишлайди. Улар орасида бригада пудрати асосида ишлайдиган бригадалар бошқаларидан 5 та ортиқ. Бригада пудрати асосида нечта бригада ишлайди?
40. Устахонада енгил ва юк машиналаридан 22 таси ремонт қилинди. Енгил машиналар юк машиналаридан 8 та кам. Устахонада нечта юк машинаси ремонт қилинган?
41. Бир нечта колхоз 28 та трактор ва автомашиналар сотиб олди. Тракторлар автомашиналардан 1,8 марта кўп. Колхозлар нечта трактор ва нечта автомашина сотиб олган?
42. Тенг ёнли учбурчакнинг асоси унинг ён томонидан 7 см ортиқ. Агар учбурчакнинг периметри 43 см бўлса, унинг ён томонини топинг.
43. 600 г конфет ва 1,5 кг печенье учун 4 сўм 62 тийин тўланди. Агар 1 кг печенье 1 кг конфетдан 1 сўм 40 тийин арзон турса, 1 кг печенье қанча туради?
44. Колхозда илғор технологияни қўллаш натижасида картошка ҳосилдорлиги гектарига 4 т ортади. Натижада 320 га майдондан олдин 400 га майдондан олинганидан 640 т ортиқ картошка олинди. Ҳосилдорлик олдин ва кейин қанча бўлганини топинг.
45. Уч жуфт чанғи ва тўрт жуфт коньки учун 47 сўм тўланди. Агар икки жуфт коньки бир жуфт чанғидан 1 сўм қиммат турса, бир жуфт чанғи қанча ва бир жуфт коньки қанча туради?
46. Икки токчада 55 та китоб бор. Агар иккинчи токчадан китобларнинг ярими биринчи токчага олиб қўйилса, биринчи токчадаги китоблар иккинчисида қолганидан 4 марта кўп бўлади. Ҳар қайси токчада нечтадан китоб бор?
47. Бир соннинг ярими билан иккинчи соннинг $\frac{2}{3}$ қисмининг айирмаси 2 га тенг. Агар биринчи сон ўзининг $\frac{5}{6}$ қисмича камайтирилса, иккинчи сон ўзининг $\frac{1}{6}$ қисмича орттирилса, уларнинг йиғиндиси 59 га тенг бўлади. Бу сонларни топинг.

48. $4,5 \text{ см}^3$ темирнинг ва 8 см^3 миснинг массаси $101,5 \text{ г}$ га тенг. 3 см^3 темирнинг массаси 2 см^3 миснинг массасидан $6,8 \text{ г}$ ортиқ. Темирнинг зичлигини ва миснинг зичлигини топинг.
49. Баҳоси 2 сўм ва 4 сўм турадиган икки хил конфетни аралаштириб бир килограмми $2,9 \text{ сўм}$ турадиган 10 кг конфет ҳосил қилинди. Аралашма учун ҳар қайси хил конфетдан қанча олинган?
50. Баҳоси 31 тийин ва 46 тийин турадиган икки хил унни аралаштириб, бир килограмми 40 тийин турадиган 50 кг аралашма ун ҳосил қиланди. Аралашмага ҳар қайси хил ундан неча килограммдан олинган?
51. Колхозда кузги экинлар баҳорги экинларга қараганда 480 га ортиқ ерни эгаллайди. 80% кузги ва 25% баҳорги экинлар йиғиб олингандан кейин кузги экинлар экилган майдон баҳорги экинлар экилган майдондан 300 га кам қолди. Колхоз қанча ерга кузги ва қанча ерга баҳорги экин эккан?
52. 3 та умумий дафтар ва 5 та блокнот учун 2 сўм 45 тийин тўланди. Агар иккита дафтар учта блокнотдан 5 тийин қиммат турса, битта умумий дафтар қанча ва битта блокнот қанча туради?
53. Биринчи кун биринчи майдоннинг $\frac{1}{4}$ қисмига, иккинчи майдоннинг $\frac{1}{3}$ қисмига, ҳаммаси бўлиб 340 га майдонга экин экилди. Иккинчи кун биринчи майдондан қолган ернинг $\frac{1}{3}$ қисмига экилди, бу эса иккинчи майдондан қолган ернинг яримидан 60 га кам. Ҳар қайси майдоннинг юзини топинг.
54. Станцияга колхоз учун ўғит ва цемент келтирилди. Колхоз биринчи куни цементнинг яримини ва ўғитнинг $\frac{1}{3}$ қисмини олиб кетди, бу 8 т ни ташкил қилди. Иккинчи куни қолган цементнинг $\frac{3}{4}$ қисми ва қолган ўғитнинг ярими — ҳаммаси бўлиб 7 т олиб кетилди. Станцияга бу колхоз учун неча тонна ўғит ва неча тонна цемент келтирилган?
55. Иккита автомат деталлар ясайди. Биринчи автоматнинг 3 соатда ва иккинчи автоматнинг 2 соатда ясаган деталлари сони 720 та. Иккала автоматнинг 2 соатда ясалган деталлари сонининг тўртдан бир қисми 150 та деталга тенг. Ҳар бир автомат бир соатда нечадан деталь ясайди?
56. Далага ўт ўрувчилар артели чиқди. Улар бири иккинчисидан икки марта катта бўлган иккита ўтлоқда ўтти ўрди, куннинг иккинчи яримида артель тенг иккига бўлиниб, ярими катта ўтлоқни, қолган ярими кичик ўтлоқдаги ўтти ўрди. Қечқурун катта ўтлоқдаги ўтлар ўриб бўлинди, кичик ўтлоқда эса озгина ер қолди, эртасига битта ўт ўрувчи куни бўйи қолган ердаги ўтти ўрди. Артелда неча ўт ўрувчи бўлган?
57. Иккита куртка ва битта шим учун 160 сўм тўланди. Куртканинг баҳоси 20% , шимнинг баҳоси 20% арзонлаштирилгандан кейин бутун харид 125 сўм бўлди. Арзонлашгунча куртка ва шим қанча турган?
58. Туб сонни 30 га бўлганда чиққан қолдиқ туб сон ёки бир бўлишини исботланг.
59. Бирор икки хонали соннинг чап ва ўнг томонига 1 рақами ёзиб қўйилди. Натижада дастлабки сондан 23 марта катта сон ҳосил бўлди. Икки хонали сонни топинг.

60. Икки хонали сонда битта рақам ўчирилди. Натижада дастлабки сондан 31 марта кичик сон чиқди. Соннинг қайси хонасида қандай рақам ўчирилмаган?
61. Уч хонали соннинг биринчи рақами 8. Агар бу сон охириги ўрнига олиб қўйилса, сон 18 та ортади. Дастлабки сонни топинг.
62. Икки хонали соннинг квадрати ва бир хонали соннинг кубига тенг бўлган уч хонали сонни топинг.
63. Йиғиндиси 168 га, энг катта умумий бўлувчиси эса 24 га тенг бўлган иккита натурал сон топинг.
64. Ўқувчининг 15 тийинлик ва 20 тийинлик бир нечта тангаси бор эди. Бунда 20 тийинлик тангалар 15 тийинликлардан кўпроқ эди. Ўқувчи кинога билет олиш учун иккита танга бериб, ўзидаги пулнинг бешдан бир қисмини ишлатди. Қолган пулнинг яримини учта танга қилиб тушликка тўлади. Дастлаб ўқувчида ҳар бир тангадан нечтадан бўлган?
65. Агар 2 йил аввал акаси синглисидан 2 марта катта 8 йил аввал 5 марта катта бўлса, акаси неча ёшда ва синглиси неча ёшда?

Вариант №5

- | | |
|---|--|
| <p>1. Бир нечта натурал сонларнинг йиғиндиси 75 га тенг. Агар шу сонларнинг ҳар биридан 2 ни айириб, йиғинди ҳисобланса, 61 га тенг бўлади. Йиғиндида нечта сон қатнашган?
А) 5 В) 7 С) 14 D) 8 E) 6</p> <p>2. $x; -2,1$ ва $3,3$ сонларининг ўрта арифметиғи $0,2$ га тенг. x ни топинг.
А) $0,6$ В) $-0,6$ С) $0,8$ D) 2 E) $-0,8$</p> <p>3. Икки соннинг йиғиндиси $6,5$ га тенг. Улардан бири иккинчисидан 4 марта кичик. Шу сонларнинг каттасини топинг.
А) 6 В) 4 С) 4 D) $5,3$ E) $5,2$</p> <p>4. Онаси 50, қизи 28 ёшда. Неча йил олдин қизи онасидан 2 марта ёш бўлган.
А) 5 йил В) 6 йил С) 8 йил D) 4 йил E) 7 йил</p> <p>5. Туристлар бутун йўлнинг $0,35$ қисмини ўтганда, уларга йўлнинг ярмигача $18,3$ км қолгани маълум бўлди. Бутун йўлнинг узунлигини топинг.
А) 110 км В) 102 км С) 122 км D) 98 км E) $78,2$ км</p> | <p>6. Бир нечта натурал сонларнинг йиғиндиси 77 га тенг. Агар шу сонларнинг ҳар биридан 4 ни айириб йиғинди ҳисобланса, у 61 га тенг бўлади. Йиғиндида нечта натурал сон қатнашган?
А) 4 В) 6 С) 8 D) 12 E) 24</p> <p>7. Бир нечта натурал сон берилган ва уларнинг йиғиндиси 60. Агарда ҳар бир сонни 2 га оширсак, унда янги сонлар йиғиндиси 76 га тенг. Қанча сон берилган эди?
А) 5 В) 8 С) 9 D) 16 E) 18</p> <p>8. Икки соннинг йиғиндиси 7 га тенг. Улардан бири иккинчисидан 4 марта кичик бўлса, шу сонларнинг каттасини топинг.
А) $5,2$ В) $6,2$ С) $5,6$ D) $5,4$ E) $4,8$</p> <p>9. Отаси 40, ўғли 16 ёшда. Неча йилдан кейин отаси ўғлидан 2 марта катта бўлади?
А) 5 йил В) 7 йил С) 6 йил D) 4 йил E) 8 йил</p> <p>10. Икки соннинг йиғиндиси $4,8$ га тенг. Улардан бири иккинчисидан 3 марта кичик. Шу сонларнинг кичигини топинг.</p> |
|---|--|

- A)1,2 B)1,4 C)1,6 D) 2,1 E)2,2
11. Бувиси 100, набираси 28 ёшда. Неча йил олдин набираси бувисидан 4 марта ёш бўлган.
A) 8 йил B) 5 йил C) 4 йил
D) 6 йил E) 7 йил
12. Поездда 936 йўловчи бор эди. Агар эркаклар болалардан 7 марта, аёллар эса 5 марта кўп бўлса, поездда қанча аёл бўлган?
A) 320 B) 350 C) 360
D) 400 E) 375
13. Велосипедчи бир соатда бутун йўлнинг 0,65 қисмини ўтди, бу эса йўлнинг ярмидан 7,5 км кўп. Бутун йўлнинг узунлигини топинг.
A) 47,5 км B) 62,5 км C) 50 км
D) 65 км E) 42,5 км
14. Заводнинг учта цехида 1872 ишчи ишлайди. Биринчи цехда иккинчи цехдагидан 5 марта кўп, учинчи цехда биринчи ва иккинчи цехдаги ишчиларнинг сонига тенг ишчи ишлайди. Биринчи цехда қанча ишчи ишлайди?
A) 760 B) 730 C) 780
D) 820 E) 800
15. Велосипедчи бутун йўлнинг 0,6 қисмини ўтгач, қолган йўл, у босиб ўтган йўлдан 4 км га камлиги маълум бўлди. Бутун йўлнинг узунлигини топинг.
A) 40км B) 24км C) 20км
D) 36,6км E) 42,2км
16. Турист йўлнинг 0,85 қисмини ўтганда, кўзлаган манзилигача 6,6 км қолгани маълум бўлди. Бутун йўлнинг узунлиги неча км?
A) 52км B) 44км C) 36,6км
D) 64,4км E) 40,4км
17. Учта бригада 768 ц маккажўхори йиғиштирди. Иккинчи бригада биринчи бригадлага нисбатан 2 марта кўп. Учинчи бригада эса иккала бригада қанча йиғиштирган бўлса, ўшанча маккажўхори йиғди.
- Иккинчи бригада қанча маккажўхори йиғган?
A) 240 B) 256 C) 210,5
D) 302,8 E) 128
18. Берилган тўртта соннинг ҳар бирига 3 ни кўшиб, сўнгра уларнинг ҳар бирини 2 га кўпайтириб чикқач, ҳосил бўлган сонлар йиғиндиси 70 га тенг бўлди. Берилган сонлар йиғиндиси нечага тенг?
A)18 B)19 C)23 D)21 E)20
19. Кўпайтманинг ҳар бир ҳади 2 га кўпайтирилади, натижада кўпайтма 1024 марта ортди. Кўпайтмада неча ҳад қатнашган.
A)8 B)9 C)10 D)11 E)12
20. 7 та соннинг ўрта арифметици 13 га тенг. бу сонларга қайси сон қўшилса, уларнинг ўрта арифметици 18 бўлади?
A)53 B)50 C)45 D)56 E)43
21. Фермердаги товуқлар ва қўйларнинг умумий сони 920 та оёқлари 2120 та товуқлар қўйларга қараганда қанча кўп?
A) 640 B) 600 C) 340
D) 580 E) тўғри жавоб келтирилмаган
22. a сонини 3 га бўлгандаги қолдиқ 1 га 4 га бўлгандаги қолдиқ эса 3 га тенг. a сонни 12 га бўлгандаги қолдиқни топинг.
A)1 B)3 C)5 D)7 E)9
23. Клубнинг залида 320 ўрин бўлиб қаторлар бўйича бир хил тақсимланган. Яна бир қатор қўйилиб, ҳар бир қатордаги ўринлар сонини 4 тага ортирилгандан кейин залда 420 та ўрин бўлади. Энди залдаги қаторлар сони нечага бўлади? (қаторлар сони 15 дан кам эмас).
A)20 B)18 C)16 D)21 E)24
24. Икки хонали сон берилган. Шу сонни 12 га бўлганда қолдиқ 8 га,

- 14 га бўлганда эса қолдиқ 2 га тенг бўлади. Берилган сонни 13 га бўлгандаги қолдиқни топинг.
 А) 3 В) 4 С) 5 D) 7 E) 9
25. Рақамлари йиғиндисининг 3 бароварига тенг бўлган 2 хонали сонни топинг.
 А) 29 В) 28 С) 27 D) 26 E) 24
26. Натурал сонлардан иборат кетма-кетликнинг иккинчи ҳади биринчи ҳадидан катта учинчи ҳадидан бошлаб ҳар бир ҳади, ўзидан олдинги иккита ҳаднинг кўпайтмасига тенг. Агар шу кетма-кетликнинг тўрттинчи ҳади 18 га тенг бўлса, унинг иккинчи ва биринчи ҳади айирмасини топинг.
 А) 1 В) 5 С) 17 D) 1 ёки 17 E) 7
27. Икки соннинг йиғиндиси 6 га квадратларининг айирмаси эса 48 га тенг. Шу сонларнинг кўпайтмасини топинг.
 А) 8 В) -8 С) 7 D) -7 E) 12
28. Учта соннинг нисбати 1:2:6 га, уларнинг йиғиндиси эса 459 га тенг. Шу сонлардан энг каттасининг ва энг кичигининг айирмасини топинг.
 А) 245 В) 255 С) 235
 D) 275 E) 265
29. a сони $b^2 - 3$ билан тўғри пропорционал. $b = 5$ бўлганда, $a = 33$ бўлса, $b = -3$ бўлганда, a сони нечага тенг бўлади?
 А) 24 В) 9 С) 18 D) 12 E) 36
30. Қандай сон $\frac{2}{5}$ қисмининг $\frac{2}{5}$ қисмидан 2 айтирилса, 6 сони ҳосил бўлади?
 А) 20 В) 50 С) 25 D) 15 E) 18
31. $\frac{5}{7}$ қисми 4 га тенг бўлган сонни топинг.
 А) $5\frac{6}{7}$ В) $5\frac{1}{5}$ С) $5\frac{2}{3}$ D) $5\frac{3}{5}$ E) $5\frac{3}{7}$
32. 0,23 қисми 690 га тенг сонни топинг.
 А) 3000 В) 2500 С) 2800
 D) 3500 E) 3200

25-§. Пропорция

1. Пропорциядан x -ни топинг:

- 1) $17 \cdot 15 = x$; 2) $18 \cdot x = 90$; 3) $x \cdot 27 = 513$; 4) $4214 : 14 = x$;
5) $380 : x = 20$; 6) $x : 37 = 28$; 7) $27 \cdot 86 = x$; 8) $x \cdot 24 = 360$;
9) $75075 : x = 1001$; 10) $1728 : 48 = x$; 11) $8526 : x = 87$; 12) $x : 68 = 35$.

2. Тенгламани ечинг:

- 1) $(6400 + 2600) - 3 \cdot x = 1200$; 2) $(x + 2958) : 87 = 134$; 3) $[(6 \cdot x - 72) : 84] \cdot 28 = 5628$;
4) $(720 + x) \cdot 501 = 365730$; 5) $4 \cdot x - [(8000 - 3567) - (2031 - 1598)] = 400$.
6) $2448 : [119 - (x - 6)] = 24$;

3. Тенгламани ечинг:

- 1) $2,5x = 40,54 + 50,46$; 2) $30,4x + 8,176 = 10$; 3) $0,05x - 0,01 = 0,19$;
4) $(3,12 + 0,9) \cdot x = 2,412$; 5) $\frac{x}{0,4} = 0,6 - 0,4$; 6) $\frac{x}{0,5} + 0,75 = 1,6$;
7) $(86,9 + 667,6) : (371 + x) = 15$; 8) $(5000 - 1397,3) : (x + 33,63) = 90$;
9) $3,06 - 0,05 \cdot x + 66 : 0,33 + 0,14 = 203$; 10) $2,473 \cdot 0,05x + 0,1581 : 0,06 = 15$.

4. Тенгламани ечинг:

- 1) $\frac{3}{8}x + 25 = 100$; 2) $\frac{1}{9}x - 20 = 56$; 3) $\frac{7}{15}x - 50 = 19$; 4) $40 - 3/8x = 35\frac{1}{2}$;
5) $\left(4\frac{1}{2} - 2x\right) \cdot 3\frac{2}{3} = 11/15$; 6) $\left(2\frac{4}{5}x - 50\right) : 2/3 = 51$;
7) $3\frac{4}{15} : \left(3\frac{1}{2} + x\right) : 21\frac{3}{7} - 1\frac{3}{8} = \frac{5}{8}$; 8) $\left(2\frac{3}{4} - 5/6 \cdot 1\frac{1}{5}\right) : \left[\left(5\frac{1}{35} - x\right) \cdot 12\frac{1}{4}\right] = 5$.

5. Тенгламани ечинг:

- 1) $x + \frac{3}{10} = 5\frac{7}{10}$; 2) $\frac{5}{18} + x = \frac{7}{20}$; 3) $\frac{33}{56} + x = \frac{25}{42}$;
4) $x - \frac{11}{90} = \frac{5}{18}$; 5) $6\frac{11}{24} - x = 5\frac{5}{18}$; 6) $\frac{123}{144} + x = 6\frac{121}{360}$;

6. Тенгламани ечинг:

- 1) $x + (114 - 25) = 729$; 2) $2x - (67 + 34) = 121$; 3) $(34500 - 291400) : x = 7$.
4) $(x + 2589) : 87 = 134$; 5) $(2x - 5385) : 107 = 9$; 6) $(2088 - 1188) : x = 45$;
7) $(35400 - 24800) : 2x = 53$; 8) $(34500 - 291400) : x = 7$.

7. Тенгламани ечинг:

- 1) $1,5 : x = 0,5$; 2) $18,24 : x = 22,8$; 3) $x : 6\frac{8}{9} = \frac{3}{4}$; 4) $x : 1\frac{31}{35} = 9\frac{1}{3}$
5) $24,4x : 0,61 = 4$; 6) $48,96 : 5,1x = 24$; 7) $2,25 : 0,15x = 1,8$.

8. Тенгламани ечинг:

- 1) $2,5 : x = 0,15625$; 2) $0,088 : x = 0,11$; 3) $\frac{5}{8} : x = 2\frac{1}{2}$; 4) $1\frac{1}{4} : x = 3\frac{1}{8}$;
5) $x : 0,1 = 0,02$; 6) $x : 2,5 = 0,2$; 7) $x : 3\frac{2}{3} = \frac{5}{11}$; 8) $x : \frac{1}{9} = 3\frac{3}{14}$.

9. Тенгламани ечинг:

- 1) $22x : 55 = 4$; 2) $5\frac{5}{6} : (2\frac{1}{3}x) = 2\frac{1}{4}$; 3) $3,06 : (0,9x) = 1,7$; 4) $48,96 : (5,1x) = 2,4$.

10. Пропорцияни текшириб кўринг:

- 1) $4 : 14 = 14 : 49$; 2) $10,2 : 0,66 = 0,85 : 0,055$; 3) $25 : 0,5 = 1250 : 25$;

$$4) 24:3 = 36:4; \quad 5) 4\frac{1}{2}:3\frac{1}{2} = 27:21; \quad 6) 5\frac{1}{3}:8 = 3\frac{3}{7}:5\frac{1}{7}.$$

11. Тенгламани ечинг:

$$\begin{aligned} 1) x:16 = 3:6; & \quad 2) x:15 = 8:24; & \quad 3) 24:x = 8:5; & \quad 4) 36:x = 54:3; \\ 5) 75:35 = x:14; & \quad 6) 343:98 = x:60; & \quad 7) 108:90 = 42:x; & \quad 8) 72:40 = 324:x; \\ 9) x:12 = 4\frac{3}{4}:7\frac{1}{8}; & \quad 10) x:1\frac{3}{7} = 1\frac{13}{15}:1\frac{1}{3}; & \quad 11) 6\frac{1}{2}:x = 6\frac{5}{6}:4,1; & \quad 12) 0,38:x = 4\frac{3}{4}:1\frac{1}{3}; \\ 13) 3\frac{1}{2}:0,4 = x:1\frac{1}{7}; & \quad 14) 10,4:3\frac{5}{7} = x:\frac{5}{11}; & \quad 15) 15,6:2,88 = 2,6:x. \end{aligned}$$

12. Тенгламани ечинг:

$$\begin{aligned} 1) 7x:42 = 45:27; & \quad 2) 4x:31 = 44:11; & \quad 3) 84:6x = 28:14; \\ 4) 85:17x = 105:84; & \quad 5) 21:7 = 2\frac{1}{2}x:5; & \quad 6) \frac{1}{6}:2\frac{1}{3} = 3\frac{1}{4}x:1,3; \\ 7) 13\frac{1}{3}:1\frac{1}{3} = 26:0,2x; & \quad 8) 3,3:7\frac{1}{3} = 4\frac{2}{7}:1\frac{3}{7}x; & \quad 9) 3\frac{1}{3}x:1,5 = 4\frac{2}{7}:\frac{3}{14}; \\ 10) 3\frac{7}{19}:1\frac{1}{2} = x:2\frac{3}{8}:0,8; & \quad 11) 11\frac{1}{3}:1\frac{8}{9} = 5\frac{1}{3}x:\frac{5}{8}; & \quad 12) 6\frac{2}{3}:1\frac{7}{9}x = 1,2:0,48. \end{aligned}$$

13. Тенгламани ечинг:

$$\begin{aligned} 1) \frac{18}{19} \cdot x = 36; & \quad 2) \frac{15}{31} \cdot x = 225; & \quad 3) \frac{5}{7} \cdot x = 4; & \quad 4) \frac{11}{19} \cdot x = 44; & \quad 5) \frac{19}{21} \cdot x = 12\frac{2}{3}; \\ 6) \frac{7}{100} \cdot x = 1\frac{92}{125}; & \quad 7) \frac{3}{5} \cdot x = 3\frac{3}{10}; & \quad 8) \frac{6}{7} \cdot x = \frac{18}{21}; & \quad 9) 2\frac{1}{2} \cdot x = \frac{5}{6}; & \quad 10) 3\frac{8}{9} \cdot x = 5\frac{5}{6}; \\ 11) 9\frac{3}{4} \cdot x = 7\frac{1}{11}; & \quad 12) x \cdot 2\frac{3}{4} = 9\frac{5}{8}; & \quad 13) x:\frac{7}{8} = 3\frac{3}{7}; \\ 14) 2\frac{2}{3} \cdot x:\frac{4}{5} = 25; & \quad 15) 7\frac{1}{2} \cdot \frac{1}{2} \cdot x = 22\frac{1}{2}; & \quad 16) \frac{2}{3} \cdot x \cdot \frac{1}{3} = 8. \end{aligned}$$

14. Тенгламани ечинг:

$$1) \frac{7}{15} \cdot x - 50\frac{3}{4} = 19\frac{1}{4}; \quad 2) \left(2\frac{4}{5} \cdot x - 50\right) : \frac{3}{2} = 51; \quad 3) \left(4\frac{1}{4} - 2 \cdot x\right) \cdot 3\frac{2}{3} = \frac{11}{15}.$$

15. Тенгламани ечинг:

$$\begin{aligned} 1) \left(\frac{3}{5} \cdot x + 6\right) : \frac{3}{5} = 1; & \quad 2) \left(3\frac{1}{2} : 4\frac{2}{3} + x - 3\frac{1}{2}\right) \cdot 4\frac{4}{5} = 10; \\ 3) \left[1\frac{7}{15} : \left(1\frac{2}{3} \cdot x - 3\frac{3}{4}\right)\right] : \frac{8}{85} = 1\frac{5}{12}; & \quad 4) 1 - \left(5\frac{3}{8} + x - 7\frac{5}{24}\right) : 16\frac{2}{3} = 0; \end{aligned}$$

16. Пропорцияни текширинг:

$$\begin{aligned} 1) 25:15 = 15:9; & \quad 2) 42:14 = 75:25; \\ 3) 54:18 = 24:8; & \quad 4) 3\frac{3}{4}:\frac{4}{5} = \frac{6}{13}:\frac{2}{13}; & \quad 5) 15\frac{3}{4}:\frac{4}{7} = \frac{3}{4}:\frac{1}{2}; \\ 6) 24\frac{3}{5}:3 = \frac{5}{6}:\frac{5}{246}; & \quad 7) 10,2:0,66 = 0,85:0,005; & \quad 8) 0,16:0,32 = 0,4:0,8; \\ 9) 2,25:9 = 0,3:2; & \quad 10) 3,43:49 = 0,28:4; & \quad 11) 40,5:0,25 = 3,6:\frac{1}{49}; \end{aligned}$$

17. Тенгламадан пропорция яратинг:

$$1) 15 \cdot 42 = 35 \cdot 18; \quad 2) 54 \cdot 55 = 66 \cdot 45; \quad 3) 2,5 \cdot 0,018 = 0,15 \cdot 0,3;$$

$$4) 2\frac{1}{2} \cdot 1\frac{2}{7} = \frac{5}{7} \cdot 4\frac{1}{2}; \quad 5) 5/8 \cdot 7/12 = 5/4 \cdot 4/24; \quad 6) 2\frac{1}{2} \cdot 0,9 = 4/15 \cdot 8\frac{7}{16};$$

18. Пропорциядан x ни топинг:

$$1) 1,04 : x = 4 : 5;$$

$$2) 0,02 : 2,5 = x : 0,35;$$

$$3) \frac{1}{6} : 2\frac{1}{3} = 3\frac{1}{4}x : 1,3;$$

$$4) \frac{1,2 : 0,375 - 0,2}{6\frac{4}{25} : 15\frac{2}{5} + 0,8} = \frac{0,018 : 0,12 + 0,7}{x};$$

$$5) \frac{0,125x}{\frac{16}{24} - \frac{21}{40} \cdot 8\frac{7}{16}} = \frac{1\frac{28}{63} - \frac{17}{21} \cdot 0,7}{0,675 \cdot 2,4 - 0,02};$$

$$6) \frac{x}{10,5 \cdot 0,24 - 15,15 : 7,5} = \frac{9 \cdot 1\frac{11}{90} - 0,45 : 0,9}{1\frac{3}{40} - 4\frac{3}{8} : 7}.$$

19. Пропорциянинг номаълум ҳадини топинг:

$$1) \frac{x}{36} = \frac{14}{42};$$

$$2) \frac{0,4}{5} = \frac{2,4}{x};$$

$$3) \frac{3,5}{a} = \frac{0,01}{4};$$

$$4) 3,75 : 10,4 = 3\frac{11}{13} : p;$$

$$5) \frac{2}{7} = \frac{x}{14};$$

$$6) x : 2\frac{1}{12} = 15 : 12\frac{1}{2};$$

$$7) \frac{a}{x} = \frac{2b}{3};$$

$$8) \frac{4a}{3b} = \frac{2x}{a};$$

$$9) \frac{x}{a+b} = \frac{a}{(a+b)^2};$$

$$10) \frac{a+1}{a-1} = \frac{a^2-1}{ax};$$

20. Тенгламани ечинг:

$$1) x + 12,4 = 15,83;$$

$$2) 21,7 + x = 23,04;$$

$$3) x - 16,53 = 14,47;$$

$$4) 28,4 - x = 27,93;$$

$$5) x - (3,2 - 2,1) = 5,7;$$

$$6) (16 - 3,8) - x = 11,42;$$

$$7) 14,2 - (x - 3,4) = 10,8;$$

$$8) (11,4 - x) - 8,4 = 0,25;$$

21. Тенгламани ечинг:

$$1) 0,3 \cdot x = 8,1;$$

$$2) 0,7 \cdot x = 17,5;$$

$$3) 0,5 \cdot x = 57,5;$$

$$4) 0,24 \cdot x = 0,132;$$

$$5) 0,01428 \cdot x = 1428;$$

$$6) 0,91 \cdot x = 100,1;$$

$$7) 0,31 \cdot x = 0,0124;$$

$$8) 0,158 \cdot x = 6,162;$$

$$9) 5,075 \cdot x = 6,5975;$$

$$10) x : 0,5 = 2,6;$$

$$11) x : 0,19 = 1,1;$$

$$12) 16,9 : x = 13;$$

$$13) 8 : x = 1,25;$$

$$14) 0,6 \cdot x = 36,06;$$

$$15) 2,5 \cdot x = 0,375.$$

22. Тенгламани ечинг:

$$1) 2,6 \cdot x = 40,54 + 50,46;$$

$$2) 3,04 \cdot x + 8,176 = 10;$$

$$3) (74,2 + 593,6) : 37,1 + x = 15.$$

23. Рақамлардан пропорция яратинг:

$$1) 0,16; 0,32; 0,4 \text{ ва } 0,8;$$

$$2) 44; 4; 11 \text{ ва } 16;$$

$$3) 2/3; 5/6; 3/8 \text{ ва } 3/10;$$

$$4) 16; 24; 36 \text{ ва } 54;$$

$$5) 3\frac{1}{2}; 2; 7 \text{ ва } 4;$$

$$6) 57; 6; 14; 6,4 \text{ ва } 1,6;$$

$$7) 7,5; 1\frac{9}{16}; 5\frac{1}{4} \text{ ва } 25,2;$$

$$8) 7\frac{2}{3}; 2,3; 0,8 \text{ ва } 2\frac{2}{3}.$$

24. 135 ни қуйидагиларга пропорционал ажратинг:

$$1) 2; 3;$$

$$2) 7; 8;$$

$$3) 13; 5;$$

$$4) \frac{2}{3}; 3; 5\frac{1}{3};$$

$$5) 6; \frac{2}{3}; 5;$$

25. 2400 ни қуйидагиларга пропорционал ажратинг:

$$1) 2\frac{2}{3}; \frac{2}{3};$$

$$2) 4\frac{2}{3}; \frac{2}{3};$$

$$3) 6; \frac{2}{3}; 5;$$

$$4) 11\frac{1}{5}; 2; 3; 3\frac{4}{5};$$

$$5) \frac{1}{2}; \frac{1}{3}; \frac{1}{5}; \frac{3}{10}.$$

26. 18,7 ни қуйидагиларга тесқари пропорционал ажратинг:

$$1) 2; 3; 5; 1;$$

$$2) 1; 3; 4; 9;$$

$$3) 0,5; 0,3; 1, (3); 2\frac{1}{6};$$

27. 434 ни қуйидагиларга тесқари пропорционал ажратинг:

$$1) 15; 16;$$

$$2) 2; 3; 5.$$

28. 144 ни учта x , y ва z шундай ажратингки улар куйидагича бўлсин

$$x : y : z = 3 : 4 : 5.$$

Такрорлаш №4

1. Ифода фақат мусбат қийматлар қабул қилишини исботланг:

1) $x^2 + 2x + 2$; 2) $4x^2 - 4x + 6$; 3) $a^2 + b^2 - 2ab + 1$; 4) $x^2 + y^2 + z^2 + 2xy + 5$.

2. Кўпхад кўринишида ёзинг:

1) $(\frac{1}{3}x + 9)^2$; 2) $(\frac{5}{6}y - 3)^2$; 3) $(-2a + \frac{1}{2}b)^2$; 4) $(-3x - \frac{1}{3}y)^2$;
5) $(5xy - 0,8y^2)^2$; 6) $(0,4a + 10ab)^2$; 7) $(8xy + 3y^2)^2$; 8) $(3a^2 - 5ab)^2$;
9) $(a^3b^3 - 1)^2$; 10) $(2 + x^4y^2)^2$; 11) $(x^6 - 3xy^2)^2$; 12) $(y^8 - 2x^4y)^2$.

3. Ифодани кўпхадга айлантиринг:

1) $(0,7x^3y - 2xy^3)^2$; 2) $(\frac{3}{4}a^3b - \frac{2}{3}ab^3)^2$; 3) $(0,2p^3q + 0,3pq^3)^2$; 4) $(\frac{1}{8}bc^4 + \frac{8}{9}b^2c^3)^2$.
5) $(2m^3n + 0,3mn^4)^2$; 6) $(\frac{1}{3}a^4b^2 - \frac{3}{5}ab^2)^2$; 7) $(0,1a^6b + 0,2ab^6)^2$; 8) $(\frac{1}{6}x^5y^2 - \frac{3}{4}xy^6)^2$;

4. Айниятни исботланг: $(a + b + c)^2 = a^2 + b^2 + c^2 + 2ab + 2ac + 2bc$.

5. Кўпхад кўринишида ёзинг: 1) $((a + b)^2)^2$; 2) $(a + b)^4$.

6. Ифоданинг қиймати x га боғлиқ эмаслигини исботланг:

1) $(x + 7)^2 - (x - 5)(x + 19)$; 2) $(x - 9)^2 + (8 - x)(x + 26)$.

7. Кўпайтувчиларга ажратинг:

1) $b^2 + 10b + 25$; 2) $16x^2 - 8x + 1$; 3) $x^4 + 2x^2y + y^2$;
4) $c^2 - 8c + 16$; 5) $4c^2 + 12c + 9$; 6) $a^6 - 6a^3b^2 + 9b^4$.

8. Иккиҳаднинг квадрати ёки иккиҳаднинг квадратига қарама-қарши ифода кўринишида ёзинг:

1) $a^4 - 8a^2 + 16$; 2) $-4 - 4b - b^2$; 3) $10x - x^2 - 25$; 4) $c^4d^2 + 1 - 2c^2d$;
5) $a^6b^2 + 12a^3b + 36$; 6) $x + 1 + \frac{1}{4}x^2$; 7) $y - y^2 - 0,25$; 8) $9 - m + \frac{1}{36}m^2$;

9. Кўпхад кўринишида ёзинг:

1) $(x^2 - 11)(11 + x^2)$; 2) $(y^2 + 10)(-10 + y^2)$; 3) $(a^5 - 1)(a^5 + 1)$;
4) $(b^7 + 3)(-b^7 + 3)$; 5) $(-c^6 - 8)(c^6 - 8)$; 6) $(d^9 - 5)(-5 - d^9)$.

10. Ҳисобланг:

1) $1005 \cdot 995$; 2) $108 \cdot 92$; 3) $0,94 \cdot 1,06$; 4) $1,09 \cdot 0,91$; 5) $10\frac{1}{7} \cdot 9\frac{6}{7}$; 6) $99\frac{7}{9} \cdot 100\frac{2}{9}$.

11. Кўпхад кўринишида ёзинг:

1) $5y(y^2 - 3)(y^2 + 3)$; 2) $-8x(4x - x^3)(4x + x^3)$;
3) $(a^4 - 3)(a^4 + 3)(a^8 + 9)$; 4) $(1 - b^3)(1 + b^3)(1 + b^6)$

12. Ифодани соддалаштиринг:

1) $(a + 2)(a - 2) - a(a - 5)$; 2) $(a - 3)(3 + a) + a(7 - a)$;
3) $(b - 4)(b + 4) - (b - 3)(b + 5)$; 4) $(b + 8)(b - 6) - (b - 7)(b + 7)$;
5) $(c - 1)(c + 1) + (c - 9)(c + 9)$; 6) $(5 + c)(c - 5) - (c - 10)(c + 10)$.

13. Ифоданинг қиймати ўзгарувчининг қийматига боғлиқ эмаслигини исботланг:

1) $(x - 8)(x + 8) - (x - 12)(x + 12)$; 2) $(y - \frac{5}{9})(y + \frac{5}{9}) + (\frac{2}{3} - y)(\frac{2}{3} + y)$.

14. Кўпхадга айлантинг:

$$\begin{array}{lll} 1)(x-5)^2 + 2x(x-3); & 2)(y+8)^2 - 4y(y-2); & 3)(a-4)(a+4) + (2a-1)^2; \\ 4)(b-3)(b+3) - (b+2)^2; & 5)(2a-5)^2 - (5a-2)^2; & 6)(3b-1)^2 + (1-3b)^2; \\ 7)(2x+1)^2 - (x+7)(x-3); & 8)(3y-2)^2 - (y-9)(9-y). \end{array}$$

15. Кўпхад кўринишида ёзинг:

$$\begin{array}{lll} 1)(x+y+1)(x+y-1); & 2)(m+n-3)(m+n+3); & 3)(a-b-5)(a-b+5); \\ 4)(c-d+8)(c-d-8); & 5)(p+2q-3)(p-2q-3); & 6)(a-3x+6)(a+3x+6). \end{array}$$

16. Тенгламани ечинг:

$$\begin{array}{ll} 1)(x-7)^2 + 3 = (x-2)(x+2); & 2)(x+6)^2 - (x-5)(x+5) = 79; \\ 3)(2x-3)^2 - (7-2x)^2 = 8; & 4)(5x-1)^2 - (1-3x)^2 = 16x(x-3). \end{array}$$

17. Кўпайтувчиларга ажратинг:

$$\begin{array}{llll} 1)1-a^2b^2; & 2)4x^2y^4-9; & 3)-0.64+x^4; & 4)0,09x^6-0,49y^2; \\ 5)1,21a^2-0,36b^6; & 6)2\frac{1}{4}b^2-\frac{4}{9}c^2; & 7)1\frac{7}{9}x^2-\frac{9}{16}y^2; & 8)0,01a^2b^4-1; \end{array}$$

18. Касрнинг қийматини топинг:

$$\begin{array}{lll} 1)\frac{38^2-17^2}{72^2-16^2}; & 2)\frac{39,5^2-3,5^2}{57,5^2-14,5^2}; & 3)\frac{17,5^2-9,5^2}{131,5^2-3,5^2}. \end{array}$$

19. Кўпайтма кўринишида ёзинг:

$$\begin{array}{llll} 1)x^{10}-1; & 2)y^{12}-16; & 3)a^2x^8-81; & 4)36-b^4y^6; \\ 5)25p^4q^4-1; & 6)-9+121m^8n^8; & 7)0,01x^{16}-0,16; & 8)1,69y^{14}-1,21; \end{array}$$

20. Ҳисобланг:

$$\begin{array}{lll} 1)\frac{40,2 \cdot 8,1 \cdot 4,8}{0,048 \cdot 0,81}; & 2)\frac{7,8 \cdot 1,001 \cdot 0,625}{18,2 \cdot 0,26 \cdot 0,125}; & 3)\frac{6,9 \cdot 1,75 \cdot 3,61 \cdot 0,2}{0,55 \cdot 1,9 \cdot 5,4 \cdot 2,3}; \\ 4)\frac{2,56 \cdot 0,44 \cdot 2,25}{3,2 \cdot 0,12 \cdot 0,6}; & 5)\frac{4,5 \cdot 19,275 \cdot 0,4}{3,125 \cdot 1,2 \cdot 1,5 \cdot 6,2}; & 6)\frac{3,6 \cdot 75,3 \cdot 0,25}{150,6 \cdot 7,5 \cdot 7,2 \cdot 18}. \end{array}$$

21. Бўлиш қоидаларидан фойдаланиб қуйидагиларни ҳисобланг:

$$\begin{array}{ll} 1)(6,4 \cdot 5,8 \cdot 0,7) : 64; & 2)(15,6 \cdot 1,44 \cdot 0,05) : 0,12; \\ 3)(2,41 \cdot 7,1 \cdot 5,5) : 0,11; & 4)(13,5 \cdot 9,1 \cdot 3,3) : 0,013; \end{array}$$

22. Кўпайтириш қоидаларидан фойдаланиб қуйидагиларни ҳисобланг:

$$\begin{array}{ll} 1)(1,5 + 3,75) \cdot 0,4; & 2)(4,72 - 3,6) \cdot 0,25; \end{array}$$

23. Бўлиш қоидаларидан фойдаланиб қуйидагиларни ҳисобланг:

$$\begin{array}{ll} 1)(0,75 + 1,5) : 0,15; & 2)(1,69 - 0,39) : 0,013; \end{array}$$

24. Соддалаштиринг:

$$\begin{array}{llllll} 1)\frac{3}{20} : \frac{7}{45}; & 2)\frac{11}{12} : \frac{5}{24}; & 3)4\frac{4}{5} : 3\frac{3}{7} & 4)0,18 : 0,47; & 5)2,4 : 0,75; & 6)6\frac{1}{2} : 5,2; \\ 7)316 : 7,9; & 8)\frac{1}{4} : \frac{5}{21} : \frac{7}{18}; & 9)2\frac{1}{3} : \frac{5}{6} : 1\frac{5}{24}; & 10)0,32 : 0,06 : 1\frac{3}{5}; & 11)\frac{7}{18} : 2\frac{5}{24} : \frac{7}{72}. \end{array}$$

26-§. Процент

1. Процентларни каср кўринишида ёзинг:

$$\begin{array}{l} 1)5\%; 20\%; 72\%; 100\%; \frac{3}{4}\%; 7,5\%; 12,8\%; 35\frac{5}{7}\%; 200\%; 1000\%; 112,5\%; 187\frac{1}{2}\%; \\ 2)8\%; 25\%; 50\%; 0,5\%; 6\frac{1}{4}\%; 14\frac{2}{7}\%; 22,5\%; 45\frac{5}{11}\%; 750\%; 152\frac{1}{2}\%; 162,5\%; \end{array}$$

2. Сонни топинг агар унинг:

- 1) 8% и 24; 2) 45% и 225; 3) 140% и 182;
4) 3,5% и 21; 5) 30% и $12\frac{3}{4}$; 6) 10% и 0.14 кг;
7) 52% и 1 кг 40 г; 8) 210% и 5,6 л; 9) $\frac{3}{4}$ % и 1,5 кв. см;

3. Сонни топинг агар унинг:

- 1) 40% и 12; 2) 84% и 105; 3) $1\frac{1}{4}$ % и 55; 4) 0,8% и 1,84;
5) 750% и 450; 6) 15% и 1 руб. 35 коп.; 7) 120% и 0,6 г;
8) 0,2% и 2,8 г; 9) $33\frac{1}{3}$ % и 1550 м;

4. Тенгламани ечинг:

- 1) $7\% \cdot x = 182$; 2) $60\% \cdot x = 24$; 3) $1\frac{2}{3}\% \cdot x = 4,75$; 4) $7,5\% \cdot x = 3,3$;
5) $2\frac{1}{2}\% \cdot x = 0,15$; 6) $0,8\% \cdot x = 1,2$; 7) $10\frac{3}{4}\% \cdot x = 8,6$ 8) $\frac{2}{3}\% \cdot x = 4\frac{1}{5}$;

5. Қуйидаги қасрларни процентга айлантинг:

- 1) $\frac{1}{2}$; $\frac{1}{3}$; $\frac{1}{8}$; $\frac{1}{50}$; 1; $\frac{2}{5}$; $\frac{5}{16}$; $1\frac{3}{4}$ 2) 0,2; 0,02; 2; 0,35; 0,042; 2,5; 3,05;
3) $\frac{1}{4}$; $\frac{1}{5}$; $\frac{1}{6}$; $\frac{1}{25}$; $\frac{1}{40}$; $\frac{16}{75}$; $3\frac{1}{2}$; 4) 0,5; 0,05; 5; 0,64; 0,125; 0,048; 1,2; 4,25;

6. Сонни топинг:

- а) 1) 2% и 50; 2) 10% и 20; 3) 25% и 120; 4) 10% и 160; 5) 15% и 84;
6) 30% и 2000; 7) 25% и 340; 8) $1\frac{1}{3}$ % и 360; 9) 25% и 150.
б) 1) 32% и 12,5; 2) $1\frac{1}{2}$ % и 1,44; 3) $6\frac{1}{4}$ % и 64; 4) 12,5% и 8,88;
5) $7\frac{1}{2}$ % и $1\frac{1}{225}$; 6) 8,5% и 0,867; 7) $11\frac{3}{4}$ % и $5\frac{2}{47}$; 8) $22\frac{3}{5}$ % и $\frac{226}{125}$;
9) 30,5% и $\frac{610}{231}$; 10) 42,5% и $\frac{425}{257}$.

7. Берилган сонни топинг , агар унинг:

- 1) 3% и 1,5; 2) 750% и 450 бўлса

8. x-ни топинг агар:

- 1) $\frac{2}{3}\%x = 4\frac{1}{5}$; 2) $84\%x = 105$; 3) $16\frac{2}{3}\%x = 150$; 4) $8\%x = 1,84$; 5) $500\%x = 1550$;
6) $120\%x = 24$; 7) $280\%x = 5,6$; 8) $11,5\%x = 0,115$; 9) $150\%x = 135$;

9. 240 нинг 1% ини топинг. Шу соннинг 5%, 85%, 150% ини топинг.

10. Топинг:

- 1) 500 нинг 3% ини; 2) 15 нинг 40% ини; 3) 8,5 нинг 120% ини;
4) 280 нинг 10% ини; 5) 9,5 нинг 280% ини; 6) 1,25 нинг 1,2% ини;

11. Бир нечта китоб учун 5,2 сўм тўланди. Бир китобнинг баҳоси тўлаган пулнинг 30% ига, иккинчисиники эса 45% ига тенг. Биринчи китоб иккинчисидан неча тийин арзон?

12. Элеваторга икки хил навли буғдойдан 1400 т келтирилди. Буғдойни қайта ишлашда биринчи навдан 2 % чиқит, иккинчи навдан 3 % чиқит чиқди. Тоza

бугдой 1364 т қолди. Элеваторга ҳар қайси нав бугдойдан қанчадан келтирилган?

13. Биринчи станокда 8 кун, иккинчи станокда 5 кун ишланганда 235 та деталь ясалди. Такотиллаштириш натижасида биринчи станокнинг унумдорлиги 15 %, иккинчисиники 20% ортди. Энди биринчи станокда 2 кун, иккинчисида 3 кун ишланганда 100 та деталь яшаш мумкин бўлди. Олдин ҳар бир станокда бир кунда нечтадан деталь ясалган?
14. Янги қазиб олинган тошқўмирда 2% сув бўлади, икки ҳафта очик ҳавода тургандан кейин эса унда 12% сув бўлади. Қазиб олинган бир тонна қўмир очик ҳавода икки ҳафта тургандан кейин унинг массаси неча килограмм ортади?
15. Дўконга 96 та карам келтирилди. Агар карамнинг 80% и сотилган бўлса, дўконда қанча карам қолган?
16. 2 соннинг айирмаси 33 га тенг. Агар шу сонлардан каттасининг 30% и кичигини $\frac{2}{3}$ қисмига тенг бўлса, шу сонларни топинг.
17. Ишчининг ойлик маоши 350 сўм. Агар унинг маоши 30% га ортса, у қанча маош олади?
18. Гўшт қайнатилганда ўз вазнининг 40% ини юқотади. 6 кг қайнатилган гўшт ҳосил қилиш учун қозонга неча кг гўшт солиш керак?
19. Магазинга келтирган тарвузларнинг 65% и биринчи куни, қолган 133 таси иккинчи куни сотилди. Биринчи куни қанча тарвуз сотилди?
20. Ишчининг иш нормасини бажаришга кетадиган вақти 20% га қисқарди. Унинг меҳнат унумдорлиги неча фоиз ортган?
21. Олхўри қуритилганда 35% олхўри қоқиси ҳосил бўлади. 64 кг олхўри қуритилса, қанча олхўри қоқиси олинади?
22. 2 соннинг айирмаси 5 га тенг. Агар шу сонлардан каттасининг 20% и кичигининг $\frac{2}{9}$ қисмига тенг бўлса, шу сонларни топинг.
23. 2 сон йиғиндиси 24 га тенг. Агар шу сонлардан бирининг 85% иккинчисининг $\frac{7}{20}$ қисмига тенг бўлса, шу сонларни топинг.
24. 1 кг янги узилган нокдан 16% қуритилган нок олинади. 48 кг қуритилган нок олиш учун қанча кг янги узилган нок керак?
25. Нафақахўрнинг ойлик нафақаси 450 сўм. Агар унинг нафақаси 20% га ортса, у қанча нафақа олади?
26. Талабанинг стипендияси 400 сўм. Агар унинг стипендияси 25% га ортса, у қанча стипендия олади?
27. Гўшт қайнатилганда ўз вазнининг 40% ини юқотади. 6 кг гўшт қайнатилганда вазни неча кг камаяди?
28. 32 дан 60 неча процент ортиқ?
29. Номъалум соннинг 28% и $3\frac{1}{3}$ нинг 42% ига тенг. Номъалум сонни топинг.
30. Ишчининг меҳнат унумдорлиги 20 % ортса, унинг иш нормасини бажаришга кетадиган вақти неча % га қисқаради?
31. 30 та талабадан 25 таси қишги синовларининг ҳаммасини топширди. Баъзи синовлари топшира олмаган талабалар, барча синовларни топширган талабаларнинг неча % ни ташкил этади?
32. Қутига 25 кг массали юк жойланди. Агар қутининг массаси юк массасининг 12% ини ташкил этса, қутининг массасини топинг.

33. Номаълум соннинг 14% и 80 нинг 35% ига тенг. Номаълум сонни топинг.
34. Икки цех 690 та кир ювиш машинаси ишлаб чиқариш керак. Биринчи цех ишлаб чиқарган маҳсулининг $\frac{2}{9}$ қисми иккинчи цех ишлаб чиқарган маҳсулининг 80% ига тенг. Биринчи цех қанча маҳсули ишлаб чиқарган?
35. 14% га арзонлаштирилгандан кейин маҳсулининг баҳоси 1250 сўм бўлди. Маҳсулнинг дастлабки баҳосини аниқланг.
36. Ишлаб чиқариш самарадорлиги биринчи йили 15% га, иккинчи йили 16% га ўсди. Шу икки йил ичида самарадорлик неча фоизга ортган?
37. Биринчи сон 80 га тенг. Иккинчи сон биринчи соннинг 80% ини, учинчиси эса биринчи ва иккинчи сон йиғиндисининг 50% ини ташкил этади. Бу сонларнинг ўрта арифметигини топинг.
38. Гўшт қайнатилганда ўз вазнининг 40% ини йўкотади. 25 кг гўшт қайнатилганда вазни неча кг камаяди?
39. Тўғри тўртбурчакнинг бўйи 20% га ортирилди. Унинг юзи ўзгармаслиги учун энини неча фоизга камайтириш керак?
40. Икки соннинг айирмаси 5 га тенг. Агар шу сонлардан каттасининг 20% и кичигининг $\frac{7}{30}$ қисмига тенг бўлса, шу сонларни топинг.
41. Биринчи сон 0,75 га, иккинчи сон 0,15 га тенг. Биринчи сон иккинчи сондан неча фоиз ортиқ?
42. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш биринчи йили 18% га, иккинчи йили 15% га ортди. Маҳсулот ишлаб чиқариш икки йил мобайнида неча фоизга ортган?
43. 40 дан 29,2 неча фоиз кам?
44. 15 кг эритманинг 40 фоизи туздан иборат. Тузнинг миқдори 25 фоиз бўлиши учун эритмага неча кг чучук сув қўшиш керак?
45. $x(x > 0)$ га тесқари бўлган сон x нинг 16% ини ташкил этади. x нинг қийматини топинг.
46. 1 дан 120 гача бўлган сонлар орасида 2 га ҳам, 5 га ҳам бўлинмайдиганлари нечта?
47. x у нинг 75% ини ташкил этади. у эса z дан 300% га кўп. x z дан неча фоиз кўп?
48. Маҳсулнинг нархи кетма-кет икки марта 20% дан оширилди. Кейинчалик бу маҳсулига талабнинг камлиги туфайли унинг нархи 40% га камайтирилди. Маҳсулининг кейинги баҳоси дастлабки баҳосига қараганда қандай ўзгарган?
49. Агар кубнинг қирраси 10% га камайтирилса, унинг ҳажми неча фоизга камаяди?
50. 11300 нинг 36% и ва 9000 нинг 28% и йиғиндиси шу сонлар йиғиндисини 40% идан қанчага кам?
51. Икки сон ёзилди. Агар биринчи сон 30% орттирилса, иккинчиси эса 10% камайтирилса, уларнинг йиғиндиси 6 та ортади. Агар биринчи сон 10%, иккинчи сон эса 20% камайтирилса, уларнинг йиғиндиси 16 та камаяди. Қандай сонлар ёзилган?
52. Ишчиларнинг икки бригадаси план бўйича бир ойда 680 та деталь тайёрлаши керак эди. Биринчи бригада ойлик планни 20%, иккинчи бригада 15% ошириб бажарди, шунинг учун иккала бригада пландагидан 118 та деталь ортиқ

тайёрлади. Ҳар қайси бригада бир ойда план бўйича нечта деталь тайёрлаши керак эди?

27-§. Сонларга оид масалалар содда мушоҳада

1. Биринчи куни иш норманинг $\frac{1}{4}$ қисми бажарилади. Иккинчи куни биринчи кунда бажарилган ишнинг $\frac{1}{8}$ қисмича кўп иш бажарилади. Шу икки кунда қанча иш нормаси бажарилади?
2. Биринчи куни иш нормасининг $\frac{1}{3}$ қисми бажарилди. Иккинчи куни биринчи кунда бажарилган ишнинг $\frac{1}{6}$ қисмича кўп иш бажарилди. Шу икки кунда қанча иш нормаси бажарилди?
3. Қуйидагиларни секунд да ифодаланг:
 - 1) 2соат 30 минут 3 секунд
 - 2) 12соат 34 минут 17 секунд
 - 3) 17сутка 12соат 49 минут 19секунд
 - 4) 21соат 18 минут 3 секунд
 - 5) 2сутка 12соат 17 минут 67 секунд
 - 6) 21соат 3 секунд
4. Қуйидагиларни дм^2 да ифодаланг:
 - 1) 18км^2 125м^2 19дм^2
 - 2) 19км^2 19м^2 19дм^2
 - 3) 44км^2 105м^2
 - 4) 27км^2 44м^2 33дм^2
 - 5) 1км^2 28дм^2
 - 6) 1811км^2 12м^2 99дм^2
5. Қуйидагиларни см^2 да ифодаланг:
 - 1) 3м^2 1дм^2 5см^2
 - 2) 7м^2 12дм^2 8см^2
 - 3) 9м^2 11дм^2 25см^2
 - 4) 14м^2 3дм^2 9см^2
 - 5) 31м^2 19дм^2 5см^2
 - 6) 19м^2 8дм^2 9см^2
6. Қуйидагиларни мм^2 да ифодаланг:
 - 1) 13м^2 11дм^2 3см^2 14мм^2
 - 2) 19м^2 1дм^2 3см^2 44мм^2
 - 3) 6м^2 9дм^2 13см^2 4мм^2
 - 4) 33м^2 21дм^2 18см^2 9мм^2
 - 5) 1дм^2 11см^2 4мм^2
 - 6) 9м^2 19см^2 21мм^2
7. Чумоли 5 минутда $15\frac{5}{6}$ м юради. У 1 минутда неча метр юради?
8. Ёилдирак 7 минутда $12\frac{3}{5}$ марта айланади. У 1 минутда неча марта айланади?
9. Автомашина бакига 60 л бензин куйилди. Тошкент денгизига бориш учун бақдаги бензиннинг $\frac{2}{5}$ қисми, Чирчиққа бориш учун $\frac{1}{12}$ қисми сарфланди. Бақда неча литр бензин қолган.
10. Автомашина бакига 70 л бензин куйилди. Гулистонга бориш учун бензиннинг $\frac{2}{5}$ қисми. Чимёнга бориш учун эса $\frac{3}{7}$ қисми сарфланди. Бақда неча литр бензин қолди?
11. Харитада 3,5 см узунликдаги кесмага 72 км масофа мос келади. Агар харитада икки шаҳар орасидаги масофа 12,6 см бўлса, улар орасидаги масофа неча км?
12. Харита икки шаҳар орасидаги масофа 3,5 см га тенг. Харитадаги масштаб 1:20000000 бўлса, шаҳарлар орасидаги ҳақиқий масофа неча км бўлади?
13. Харита икки шаҳар орасидаги масофа 10,5 см га тенг. Харитадаги масштаб 1:50000000 бўлса, шаҳарлар орасидаги ҳақиқий масофа неча км бўлади?
14. Харита икки шаҳар орасидаги масофа 44 см га тенг. Харитадаги масштаб 1:600000 бўлса, шаҳарлар орасидаги ҳақиқий масофа неча км бўлади?
15. Харита икки шаҳар орасидаги масофа 190 мм га тенг. Харитадаги масштаб 1:90000 бўлса, шаҳарлар орасидаги ҳақиқий масофа неча км бўлади?
16. Харита икки шаҳар орасидаги масофа 28 мм га тенг. Харитадаги масштаб 1:80000 бўлса, шаҳарлар орасидаги ҳақиқий масофа неча км бўлади?

17. Харита икки шаҳар орасидаги масофа 28 дм га тенг. Харитадаги масштаб 1:110000 бўлса, шаҳарлар орасидаги ҳақиқий масофа неча км бўлади?
18. Бинонинг 4-қаватигача бўлган зинанинг узунлиги 2-қаватгача бўлган зинанинг узунлигидан неча марта узун (қаватлар орасидаги зиналар сони бир хил деб ҳисоблансин)?
19. 1 соат 160 минут 2 секунд неча секунддан иборат?
20. Болалар арча байрамида бир хил совға олишди. Ҳамма совғаларда 76 та мандарин ва 57 та конфет бўлган. Арча байрамида нечта бола қатнашган ва ҳар бир бола нечта мандарин ва нечта конфет олган?
21. Пиёда киши 1км йўлни $\frac{2}{9}$ соатда ўтади. У $\frac{1}{4}$ км йўлни қанча соатда ўтади?
22. Агар камаювчи 24 та ва айирилувчини 36 та камайтирилса, айирма қандай ўзгаради?
23. Йилнинг қайси ойида 3 та шанба куни ойининг жуфт кунларига тўғри келган. Шу ойнинг 25-куни ҳафтанинг қайси кунига мос келади?
24. 32<a<92 шартни қаноатлантирувчи икки хонали а соннинг биринчи рақами ўчирилганда у 31 марта камаяди. Ўчирилган рақам нечага тенг.
25. Цехда 120 та самовар ва 20 та патнис ясалган.Сарф қилинган ҳамма материалнинг 0,96 қисми самоварга кетган. Агар ҳар бир самоварнинг оғирлиги 3,2 кг дан бўлса, ҳар бир патниснинг оғирлиги неча кг бўлади?
26. Фермер деҳқон 4 ва 5 сонларига пропорционал ерга бугдой ва пахта экди. Агар 15 га ерга пахта экилган бўлса, неча га ерга бугдой экилган?
27. Берилган 4 та соннинг ҳар бирига 3 ни қўшиб, сўнгра уларни ҳар бирини 2 га кўпайтириб чиққач, ҳосил бўлган сонлар йиғиндиси 62 га тенг бўлди. Берилган сонлар йиғиндиси нечага тенг.
28. Саёҳатчилар гуруҳлардаги эркакларнинг аёллар сонига нисбати 5:2 каби. 70, 48, 19, 84, 28 сонларининг қайси бири гуруҳдаги саёҳатчилар сонига тенг бўла олмайди?
29. 4 та соннинг йиғиндиси 36 га тенг. Шу сонлардан четки ҳадларининг йиғиндиси 18 га ва ўрта ҳадларининг айирмаси 4 га тенг пропорция тузилди. Пропорциянинг ўрта ҳадлари йиғиндисини топинг.
30. Берилган сонларнинг ўрта арифметигини топинг:

1)24; 18; 19; 187;	2)2,5; 24,5; 18,3; 100;
3)15,6; 12; 15,6; 1; 4,3;	4)1; 2; 3; 7,2; 11,12;
5)12,6; 11,5; 15; 89,7;	6)1,6; 11,4; 12,5; 17,5
31. 5,4; у-2; 2 сонларнинг ўрта арифметиги 0,8 га тенг у ни топинг.
32. 9,4; у+6; 2; 4,5 сонларнинг ўрта арифметиги 15 га тенг у ни топинг.
33. 12; у; 2,6; 14,5 сонларнинг ўрта арифметиги 19 га тенг у ни топинг.
34. 21 ва у-24; сонларнинг ўрта арифметиги 100,1 га тенг у ни топинг.

28-§. Чизиқли тенгсизликларни исботлаш ва улар устида арифметик амаллар

1. Ҳисобланг:

- 1) $1,2 \cdot 6$; 2) $\frac{1}{2} \cdot (-2)$; 3) $\left(-\frac{1}{7}\right) \cdot \left(\frac{7}{9}\right)$; 4) $(-3) \cdot \left(-\frac{1}{3}\right)$.
- 5) $0,2 \cdot 6 \cdot 5$; 6) $(-2) \cdot 4 \cdot 5$; 7) $0,2 \cdot (-5) \cdot 6$; 8) $5 \cdot (-0,2) \cdot (-4)$;
- 9) $(-6) \cdot 0,4 \cdot (-5)$; 10) $(-6) \cdot (-4) \cdot (-3)$; 11) $36 : 3$; 12) $(-36) : 2$;
- 13) $655 : (-5)$; 14) $(-0,4) : 8$; 15) $(-80) - (-16)$; 16) $(-0,9) : (-0,3)$;
- 17) $2 \cdot (-15) : 3$; 18) $(-0,4) \cdot (-5) : 2$; 19) $6 \cdot (-8) : (-12)$; 20) $(-6) \cdot (-12) : (-8)$;
- 21) $(-45) : 3 \cdot (-2)$; 22) $(-55) : (-11) \cdot (-3)$.

2. Ифоданинг сон қийматини топинг:

- 1) $a^3 b^2 c^2$, бунда $a = -1$, $b = -3$, $c = 2$; 2) $ab^3 c^2$, бунда $a = -2$, $b = -1$, $c = -3$;
- 3) $\frac{a^3 b^2}{c^3}$, бунда $a = -2$, $b = -3$, $c = -1$; 4) $\frac{ab^3}{c^2}$, бунда $a = 8$, $b = -1$, $c = -2$.

3. > ёки < ишораларидан фойдаланиб, тасдиқни ёзинг:

- 1) $-11,7$ – манфий сон; 2) $98,3$ – мусбат сон;
- 3) x – манфий сон; 4) y – мусбат сон.

4. Берилган тенгсизликнинг иккала қисмини кўрсатилган сонга кўпайтиринг:

- 1) $3,35 < 4,5$ ни 4 га; 2) $3,8 > 2,4$ ни 5 га;
- 3) $\frac{5}{6} > \frac{2}{3}$ ни -12 га; 4) $\frac{3}{4} < \frac{7}{8}$ ни -16 га.
- 5) $2a > 1$ ни 0,5 га; 6) $4a < -1$ ни 0,25 га;
- 7) $-4a < -3$ ни 0,25 га; 8) $-2a > -4$ ни -0,5 га;

5. Берилган тенгсизликнинг иккала қисмини кўрсатилган сонга бўлинг:

- 1) $-2 < 5$ ни 2 га; 2) $4,5 > -10$ ни 5 га;
- 3) $-25 > -30$ ни -5 га; 4) $-20 < -12$ ни -4 га.
- 5) $1,2a < 4,8$ ни $-\frac{1}{2}$ га; 6) $2,3a < -4,6$ ни 2,3 га;
- 7) $-\frac{2}{3}x < -\frac{1}{4}$ ни $-\frac{2}{3}$ га; 8) $-\frac{3}{4}x > \frac{1}{3}$ ни $-\frac{3}{4}$ га.

6. Тенгсизликларни кўшинг:

- 1) $5 > -8$ ва $8 > 5$; 2) $-8 < 2$ ва $3 < 5$;
- 3) $3x + y < 2x + 1$ ва $3y - 2x < 14 - 2x$; 4) $3x^2 + 2y > 4a - 2$ ва $5y - 3x^2 < 3 - 4a$.

